



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ «ФИДОКОР ЁШЛАР» ЖАМОАТЧИЛИК ПАТРУЛ ГУРУҲЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Абдумуталов Азизбек Камолиддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 211-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15227639>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 10th April 2025

Published: 16 th April 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори,
«Фидокор ёшлар», патрул,
жамоатчилик патрул гуруҳи,
жамоат тартиби, ҳамкорлик.

ABSTRACT

*Ушбу мақолада профилактика
(катта) инспекторларининг «Фидокор
ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳлари
ҳақида тушунчаси, улар билан ўзаро
ҳамкорликни амалга ошириш йўллари,
«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул
гуруҳларининг номатив ҳуқуқий
ҳужжатлари, таклиф ва тавсиялар ҳақида
сўз боради.*

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди. Бу

эса ўз навбатида униб ўсиб келаётган ёшларнинг ўзининг кичик ватани ҳисобланган маҳалласини тинчлигини сақлаш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида шу жумлаларга алоҳида эътироф этиб ўтган: *“Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажagini таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз услоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”*¹.

Ёшларнинг ватан олдидаги даҳлдорлик ҳиссини амалда намоён этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини (кейинги ўринларда — жамоатчилик гуруҳлари) ташкил этилди. Ушбу жамоатчилик патруль гуруҳларига қуйидагилар:

- ✓ муддатли ҳарбий хизматни ўташ ниятида мудофаа ишлари бўйича туман бўлимига мурожаат қилган ҳарбий хизматга чақирилувчилар;
- ✓ республика олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек, ички ишлар органларининг таълим муассасаларига кириш истагини билдирган номзодлар;
- ✓ ички ишлар органларида хизмат қилиш истагини билдирган номзодлар орасидан шакллантирилиши белгиланди.

Ушбу қарорга асосан қуйидагилар белгиланган. Жумладан:

- жамоатчилик гуруҳлари таркибига кириш мудофаа ишлари бўйича туман бўлимлари ёки ички ишлар органлари томонидан бериладиган йўлланмалар асосида амалга оширилади;
- жамоатчилик гуруҳлари улар фаолият олиб борадиган маҳалла ҳудудида яшовчи ёшлардан шакллантирилади;
- жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича жавобгарлик туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва профилактика инспекторлари зиммасига юкланади;
- жамоатчилик гуруҳларининг ҳар бир аъзоси сутканинг кечки ва тунги вақтида белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт миқдоридида патруллик қилишга жалб этилади ва бу хизматга (ўқишга) ҳужжатларни якуний қабул қилишга асос ҳисобланади;
- ўзининг маҳалласида ҳуқуқ тартиботни таъминлашда фаол қатнашган жамоатчилик гуруҳи аъзоларига профилактика инспекторлари томонидан фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда хизматга (ўқишга) танлов ўтказишда инobatга олинадиган тавсияномалар берилиши кўзда тутилган.

¹ 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://president.uz/uz/lists/view/4057>.

2018 йил 1 августдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизмат олиб бораётган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга ҳар ойлик иш якуни бўйича патруллик ҳудудида оғир ва ўта ўғир жиноятларга бевосита чек қўйганлиги, уларни аниқлаганлиги ёки фош этганлиги, шунингдек, тергов ва суддан яширинган шахсларни ушлаганлиги учун лавозим маошининг 50 фоизигача бўлган миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартиби белгиланди².

Тошкент шаҳрида дастлаб ташкил этилган «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ўзининг ижобий самарасини берганидан сўнг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Тошкент шаҳрининг ижобий тажрибаси республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этилиши белгиланган³.

2020 йилнинг ўтган ойида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруллик гуруҳлари томонидан 2 минг 416 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган, 31 та жиноят очилган ва 2 минг 647 та ҳуқуқбузарликларнинг олди олинган. Бу ҳақда Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси хабар бермоқда⁴.

Шунингдек, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка ружу қўйиш, вояга етмаганларнинг қонунбузарликлари, содир этилаётган дамда бошқа турдаги қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида 5 минг 957 та хабарлар профилактика инспекторлари ёки уларнинг ёрдамчиларига етказилган⁵.

Маълумот учун: республика бўйича ташкил этилган 8 минг 180 та гуруҳларда 15 минг 283 нафар аъзо жамланган «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳлари фаолият юритмоқда⁶.

Профилактика (катта) инспекторларига «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини кунлик назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Патрул сўзининг мазмун моҳиятига тўхталадиган бўлсак «Патруль» сўзи французча «patrouille» сўзидан олинган бўлиб, «қўриқчи», «қоровул» деган маъноларни билдиради ҳамда мазмунига кўра маълум ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни сақлаш учун қўйилган қуролли кишилар ёки ҳарбий самолёт, кема кабилар гуруҳини англатади. «Пост» сўзи ҳам французча «poste» сўзидан олинган бўлиб, «муайян жойга қўйилган»

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3786903>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида <https://lex.uz/docs/4124831>.

⁴ <https://uza.uz/uz/posts/fidokor-yeshlar-guru-i-2-mingdan-orti-u-u-buzarlikni-oldini--11-02-2020>.

⁵ <https://uza.uz/uz/posts/fidokor-yeshlar-guru-i-2-mingdan-orti-u-u-buzarlikni-oldini--11-02-2020>.

⁶ <https://uza.uz/uz/posts/fidokor-yeshlar-guru-i-2-mingdan-orti-u-u-buzarlikni-oldini--11-02-2020>.

маъносини беради ҳамда мазмунига кўра «қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун соқчига ёки соқчилар гуруҳига топширилган жой»ни англатади⁷.

Мисол қилиб ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноячилик, суиқасд ҳолатларини барвақт олдини олиш, шунингдек ёшларни сиёсий, ҳуқуқий билимларини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кенгаши ва Ички ишлар органлари ҳодимлари ҳамкорлигида “БАРЧАСИ ЎЗ ҚЎЛИНГДА” шиори остида тарғибот тадбирлари ўказилган. Жумладан Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани ёшлар иттифоқи кенгаши томонидан туманда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида “Тунги рейд” лар ташкил этилган. Ушбу рейдга ёшлар иттифоқи кенгашинг «Фидокор ёшлар» азоларидан иборат 154 нафар кўнгилчилар ИИО ФМБ биносида сафланиб шу ердан тунги рейдларни ташкил этиш учун ИИО ФМБ пост патруль ва Миллий гвардия ҳодимлари билан Фидокор ёшлар гуруҳларга бўлиниб тунги рейдларни амалга оширмоқда. Тунги вақтларда асосан маҳаллаларда Жамоатчилик назорат масканлари, тунги рестаурантлар, кўнгил очар масканларда рейд тадбирлар ўтказилган. Рейд давомида аниқланган вояга этмаган шахсларга тегишли чоралар кўрилиб, улардан тилхат олинди ва ота-оналари ёнига кайтарилди. Улар билан тегишли ишлар амалга оширилди. Тунги рейдлар 5 кундан буён давом этиб келмоқда. Шу кунгача 154 нафар «Фидокор ёшлар» тунги рейдларга жалб этилиб, тунги вақтларда ҳуқуқбузарликларни олди олишда фаол иштирок этишмоқда⁸.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир ҳудудда профилактика (катта) инспекторлари «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари билан жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли профилактик чора тадбирларни ҳамкорликда амалга оширса юртимиз тинч осмонимиз мусаффо ва фуқароларимиз эркин осойишта яшаб юртимиздан ва давлатимиздан рози бўлиб яшашига ҳисса қўшган бўлади. Маҳаллада профилактика инспекторлари ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ҳамкорликни тўлиқ йўлга қўйиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади. Ёшларимиз ҳам ватанимиз олдидаги юксак бурчини адо этган бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3786903>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида <https://lex.uz/docs/4124831>.
4. <https://uza.uz/uz/posts/fidokor-yeshlar-guru-i-2-mingdan-orti-u-u-buzarlikni-oldini-11-02-2020>.
5. С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 13-бети.

⁷ С.С. Шарипов Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг 13-бети.

⁸ Fidokor yoshlar: “BARCHASI OZ KOLINGDA”. <https://chiroqchi.uz/149-news.html>.

6. Fidokor yoshlar: "BARCHASI OZ KOLINGDA". <https://chiroqchi.uz/149-news.html>.
7. угли Г'офуров АА, о'г'ли Мустофақулов б.а.Хуқуқиятчиликларни профилактика хизматида кадрларни тайёрлашнинг самарали тизимини такмонлаш //“илмий илмий автолар ва инновацион тизилмалари” халқаро илмий конференцияси. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 2. – 16-22-бетлар.
8. о'г'ли Мустофақулов БА, о'г'ли Ду'сматов СР Озодлигини чеклашга маҳқум олган шахслар билан ишни ташкил этиш бо'йича хорижий давлатларнинг иқтисодий тажрибаси // New Science Societies International Scientific Journal of Management Studies. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 6. – 193-200-бетлар.
9. Mustofaqulov B. A. O., Turg'unpo'latov A. A. O. Inspektoral tibbiy kasalliklarning profilaktikasi, va deputatlik nazorati parlamenti //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – V. 2. – No 2-2. – B. 83-87.
10. Qushboqov S. X. Usipbekov N J Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.
11. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67-69.
12. Кушбоқов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
13. Охунов З., Кушбоқов Ш. ТТСЭ (2022). Хуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулох, азалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
14. Qushboqov S. Isroilov D. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida adliya organlari bilan hamkorligi tushunchasi //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 23. – С. 96-103.
15. Qodirjonovich J. Z., O'G'Li Q. S. X. Bir guruh shaxslar tomonidan axborot texnologiyalardan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va o 'g 'rilik jinoyatlarining sodir etish usullari va ularni tergov qilishga oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 137-144.
16. Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
17. Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
18. Қушбоқов Ш С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
19. Охунов З. М., Қушбоқов Ш. Х. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
20. Қушбоқов Ш Т. Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
21. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.

22. Алтмишев Т., Кушбоцов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.
23. Қушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
24. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
25. Рустамов С. Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.
26. Аумаханович, Kalauov Saydulla, Allayarov Nurmanbet Urazimbetovich, and Qushboqov Shohruh Xasan o'g'li. "Yo'l-transport hodisalarini oldini olish faoliyatini takomillashtirish." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1 (2024): 157-160.
27. Qushboqov S., Xalilov J. МА'МURIЙ JAZO TUSHUNCHASI, MAQSADI VA TURLARINING MAZMUN-MOHİYATI //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 7-12.
28. Qushboqov S., Jumashev O. Huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'рни //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 54-56.
29. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.
30. Кушбоков Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.
31. Кушбоков Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.

ACADEMY